
Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизматининг билдириши

Ижтимоий тармоқларда блогер Дилшод Болтабоев (Дима Қаям) томонидан тарқалган видеомурожаат юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз. Бундан бир неча кун олдин Риштон туманида истиқомат қилувчи блогер Дима Қаям билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари суҳбат олиб боришган.

Суҳбат давомида унга ҳеч қандай таъзиқ ўтказилмаган. Блогерга бугунги кунда ҳар хил каналлар ва фейсбукдаги сохта саҳифалар кўпайгани боис, ҳар бир тарқатилаётган маълумотига эътиборли бўлиш, асоссиз маълумотлар тарқатмаслик, аниқ фактлар бўйича маълумот ёзиш бўйича тавсиялар берилган.

2020-11-02 15:42:39